



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

2021 йил “ 31 ” 03

№ 44-067

Бухоро ш.

**2020/2021 ўқув йили битирувчиларининг
Якуний Давлат аттестацияси синовлари
натижалари бўйича тушган аризаларни
ўрганиш учун апелляция комиссияларини
ташкил этиш тўғрисида**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 22 майдаги 160 – сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг Якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низомнинг 28 – 30 бандлари ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Якуний давлат аттестацияси синовидан олган баҳосига эътироз билдирган битирувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун қуйидаги тартибда апелляция комиссиялари тузилсин:

“Ўзбекистон тарихи” фанидан:

1. Бобожонова Ф.Х. – Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н. – **раис**
2. Жамолова Д.М. – Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси, т.ф.ф.д. (PhD) – **аъзо**
3. Кудратов Ш. – Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси – **аъзо**

“Ўзбекистонда ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” фанидан:

1. Қиличев Р.Э. – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси доценти, т.ф.н. – **раис**
2. Собиров У.Б. – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси – **аъзо**
3. Норова М.Ф. – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси – **аъзо**

2. Апелляция комиссияларига: Якуний давлат аттестацияси синовидан олган баҳосидан норози бўлган битирувчиларнинг аризаларини ўрганиш ва уларнинг ёзма ишига қўйилган баҳонинг мезонга мос келиш ёки келмаслигини асослаш ҳамда ўз хулосасини битирувчига бир кун муддат ичида маълум қилиш вазифаси юклатилсин.

3. Апелляция комиссиясига ёзма иш натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 3 кун муддат ичида ариза билан мурожаат қилиш мумкинлиги битирувчилар эътиборига етказилсин (Масъул: факультет деканлари).

4. Ушбу буйруқнинг ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Асос: “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг Якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом.



Ректор

О.Х. Хамидов